

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг  
йиллик умумий йиғилиши  
2021 йил 29 июндаги қарори билан*

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг  
2021 йил 29 июндаги йиллик умумий  
йиғилиши баённомасига 16-илова*

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ  
МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ЮЗАГА  
КЕЛГАНДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**Тошкент-2021**

## МУНДАРИЖА:

1. Умумий қоидалар;
2. Низомнинг таъсир доирасига кирувчи шахслар;
3. Манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг сабаблари (шартлари);
4. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;
5. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш;
6. Яқуний қоидалар.

## 1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, “Ўзтрансгаз” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) Уставига, 2015 йил 31 декабрдаги Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига (2016 йил 11 февралда 02-02/1-187 рақам билан рўйхатга олинган) мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жамиятда манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган шартларни, шунингдек уларни ҳал қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Жамият ўз фаолиятини амалга ошираётганда Жамиятнинг бошқарув органлари ва (ёки) унинг ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда Жамиятнинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар) ва акциядорлар, контрагентлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг (кейинги ўринларда – манфаатдор шахслар) мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасида зиддият туфайли манфаатлар тўқнашуви (корпоратив низо) келиб чиқиши мумкин.

1.3. Ушбу Низомда манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг қуйидаги ҳолатлари кўриб чиқилади:

– мажоритар акциядорлар (йирик акциялар пакетига эгалик қилувчи акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (оз сонли акцияларга эга бўлган акциядорлар) ўртасида;

– Жамият бошқарув органлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;

– Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ва контрагентлар ўртасида;

– ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришда Жамият ва мансабдор шахслар, Жамият ходимлари ўртасида.

## 2. Низомнинг таъсир доирасига кирувчи шахслар

2.1. Низом Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига ҳамда эгаллаб турган лавозими даражасидан қатъи назар унинг барча ходимларига нисбатан қўлланилади.

2.2. Ушбу Низомга риоя қилиш талаблари тегишли мажбуриятлар улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички ҳужжатларида ёки тўғридан-тўғри қонундан келиб чиқадиган ҳолларда, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида Жамият билан ҳамкорлик қилувчи жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилади.

### **3. Манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг сабаблари (шартлари)**

3.1. Жамиятнинг мажоритар акциядорлари ва миноритар акциядорлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасида қуйидагилар натижасида корпоратив низолар юзага келиши мумкин:

– қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва Жамият ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

– миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига ва акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳамда Жамият қузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир эмаслиги;

– ваколатли органлар билан олдиндан келишилмасдан йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш;

– бошқарув органлари томонидан Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилиш;

– амалдаги қонунчиликка мувофиқ маълумотни ошқор қилмаслик ёки Жамиятнинг бошқарув органлари аъзоси бўлган шахслар томонидан бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари, бошқа Жамиятларда улушларга (акцияларга) эгалик қилиши тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумот бериш.

3.2. Бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ва контрагентлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

– қонунчиликка, Жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя қилмаслик;

– Жамият томонидан ҳам, контрагентлар томонидан ҳам шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаслиги;

– қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларини бажармаганлик.

3.3. Қуйидагилар натижасида Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин.

– қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатлари талабларининг бузилиши;

– қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларини бажармаганлик;

– бошқа Жамиятда молиявий манфаатларнинг мавжудлиги;

– бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс сифатида ўриндошлик асосида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиш;

– шахсий манфаатлар туфайли бошқа ташкилотларга Жамият манфаатларига зарар етказадиган ишбилармонлик имкониятларини тақдим этиш.

#### **4. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш**

4.1. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари учун мажбурий саналади.

4.2. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслар ва Жамият ходимлари куйидагиларга мажбур:

– қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, Устав ва Жамият ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

– қонунчиликда ва Жамият ички ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз мажбуриятларини виждонан бажариш;

– иш юзасидан мулоқот меъёрларига риоя қилиш;

– зиддиятли вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар қилиш ва қарор қабул қилишдан тийилиш;

– Жамиятни самарали бошқаришни таъминлаш;

– Жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш;

– акциялари, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча акциядорларга тенг муносабатни таъминлаш;

– ноқонуний фаолиятни амалга оширишга Жамиятни жалб қилиш имкониятларини истисно қилиш;

– Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;

– Жамиятнинг ваколатли органлари билан олдиндан келишилмаган ҳолда йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузмаслик;

– заруратга кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда битимлар бўйича қарорлар қабул қилишда жамият мол-мулкининг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини танлов асосида жалб қилиш;

– аффилиланган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олишни таъминлаш;

– аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш учун қонунчиликда белгиланган тартибни таъминлаш;

– Жамият мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирокини Жамият Кузатув кенгаши билан келишилганлигини таъминлаш;

– амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ва Жамиятнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомга мувофиқ қўшимча маълумотлар ошкор этилишини таъминлаш;

– акциядорларга ва контрагентларга, тартибга солувчи ва нозорат қилувчи органларга ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама мақсадида тақдим этилган бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа эълон қилинаётган ахборотларнинг ишончилигини таъминлаш;

– махфий маълумотларга эга бўлган шахслар томонидан махфий ва бошқа муҳим маълумотлардан фойдаланиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

– оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда Жамият ҳақидаги салбий маълумотларнинг ишончилиги ва объективлигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Салбий ёки нотўғри маълумотлар пайдо бўлишининг ҳар бир фактига ўз вақтида жавоб бериш;

– манфаатлар тўқнашуви ривожланишининг дастлабки босқичларида ҳолатнинг ўз вақтида аниқланишини таъминлаш;

– зиддиятли вазият пайдо бўлишига олиб келувчи ҳолатлар юзага келганлиги тўғрисида зудлик билан юқори турувчи мансабдор шахсни хабардор қилиш;

– мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари моддий манфаатдор бўлган ва улар билан тижорат фаолиятини олиб борадиган ёки амалга оширмақчи бўлган ташкилотлар тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсга хабар бериш;

– акциядорларга Жамиятнинг аниқ ва асосли позицияси тўғрисида ўз вақтида хабар беришни таъминлаш ва низоларга сабаб бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича кенг қамровли маълумотларни тақдим этиш;

– бошқарув қарорларининг объективлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун кузатув кенгашига мустақил аъзолар номзоди кўрсатилишини таъминлашга интилиш.

## **5. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

5.1. Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш ва уларни тартибга солиш бўйича мажбуриятлар кузатув кенгаши томонидан тайинланган манфаатсиз учинчи томонга, корпоратив маслаҳатчига, кузатув кенгашининг мустақил аъзосига, янги тузиш орқали Манфаатлар тўқнашувларини тартибга солиш кўмитасига (кейинги ўринларда – кўмита) ёки умуман Жамиятнинг кузатув кенгашига юкланади.

5.2. Жамиятнинг мансабдор шахслари низо келиб чиққанлиги тўғрисида мурожаат келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида Кузатув кенгашига хабар беришлари шарт, шунингдек корпоратив низони дастлабки баҳолаш ва ушбу масалани кейинчалик кузатув кенгаши ёки ушбу Низом билан ваколатли орган (маслаҳатчи, кузатув кенгашининг мустақил аъзоси, кўмита) томонидан кўриб чиқилиши ва агар мавжуд бўлса, кузатув кенгашига хулоса тақдим этиш учун масаланинг моҳияти бўйича керакли ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

5.3. Агар низони Жамиятнинг таркибий бўлими даражасида ҳал қилиш мумкин бўлса, ижро этувчи орган низонинг сабабларини аниқлайди ва низони ҳал қилиш тартибини белгилайди. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш натижалари тўғрисидаги хулоса Жамият Кузатув кенгаши кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

5.4. Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг тез-тез учрайдиган саволлари ва талабларини таҳлил қилиб, ушбу масалалар бўйича барча акциядорларга қўшимча ахборот бериш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши ёки Жамиятнинг ижроия органи раҳбарига ушбу турдаги муурожаатни келтириб чиқараётган омилларни бартараф этиш учун ички тартиб-қоидалар ва йўриқномаларни ўзгартириш, бошқа чора-тадбирларни қўллаш тўғрисида тақлифлар киритиши мумкин.

5.5. Ривожланишининг қайсидир босқичида Жамиятнинг ижро органи манфаатларига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган зиддият тўғрисидаги маълумотлар икки иш куни ичида ушбу низом билан ваколатли орган томонидан кўриб чиқилиши ва кузатув кенгашига ушбу масала бўйича хулосасини тақдим этиши учун низони ҳал қилиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиниши учун кузатув кенгашига юборилади.

5.6. Агар низони кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг мавжуд ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки ўзгартириш зарурати туғилса, кузатув кенгаши ёки ижро этувчи орган ҳужжатни ишлаб чиқиш ёхуд тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

5.7. Жамиятнинг бошқарув органлари Жамиятда юзага келган манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай турини ўз вақтида бартараф этиш учун қуйидагиларга мажбур:

– пайдо бўлаётган манфаатлар тўқнашувига имкон қадар тезроқ жавоб бериш, уларнинг сабабларини аниқлаш;

– Жамият бошқарув органларининг ваколатлари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш;

– зиддиятнинг моҳияти бўйича имкон қадар қисқа муддатларда Жамиятнинг позициясини аниқлаш, тегишли қарор қабул қилиш ва уни низонинг бошқа томони эътиборига етказиш;

– низонинг бошқа томонига низода Жамиятнинг позициясини аниқ асослаб берувчи тўлиқ ва батафсил жавобни юбориш, қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган низом ва ички меъёрий ҳужжатлар асосида низолашаётган томоннинг сўрови ёки талабини қондиришдан бош тортиши тўғрисида хабар бериш;

– манфаатлари низога таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган шахсларнинг ушбу низони ҳал этиш ва қарор қабул қилишда иштирок этмаслигини таъминлаш.

5.8. Акциядорлар, Жамият бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасидаги корпоратив низоларни бартараф этиш учун:

– ваколатли шахс ёки Жамиятнинг ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этади, акциядорларга уларнинг ихтиёрида бўлган ва низо билан боғлиқ маълумотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиши, конунчилик меъёрларини, жамият уставини ва ички ҳужжатларини тушунтиради;

– Жамиятнинг ваколатли органлари ёки ваколатли шахслари акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар беришади, низоларни ҳал қилиш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини акциядорлар томонидан имзоланиши учун тайёрлайдилар. Жамият номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида зиддиятни ҳал қилишга ёрдам берадиган даражада мажбуриятларни ўз зиммасига олади;

– Жамиятнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ, корпоратив низои ҳал қилиш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини ташкил қилиши ва низо иштирокчиси билан Жамият номидан имзоланган шартномалар бажарилишига кўмаклашиши шарт. Низо иштирокчиси ва Жамият ўртасида ўз мажбуриятлари бўйича тортишувлар бўлмаган, аммо уларни амалга ошириш тартиби, усули, муддати ва бошқа шартлари тўғрисида келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, Жамият низолашаётган томонга юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш ва Жамият томоннинг талабини қондиришга тайёр бўлган шартларни белгилашни тақлиф қилиши лозим.

5.9. Ушбу чора-тадбирлар рўйхати тўлиқ саналмайди. Ҳар бир аниқ ҳолатда, манфаатлар тўқнашуви юзага келадиган соҳага қараб низоларни тартибга солишнинг бошқа шакллари бўлиши мумкин.

## **6. Якуний қоидалар**

6.1. Ушбу Низом, шунингдек унга ўзгартиш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

6.2. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Жамият томонидан Интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайтда Жамият бошқарув органининг тегишли қарор қабул қилинган йиғилиши баённомаси имзоланганидан кейин ўн кун ичида эълон қилинади .

6.3. Ушбу Низом жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.